*Ватан ҳимояси • иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2003 йил, 25 декабрь, пайшанба № 154 (1886).

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 25 декабря, 2003 г. № 154 (1886).

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● В розницу — цена свободная.

## Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда жорий йил якунлари муҳокама этилиб, 2004 йил — Меҳр-мурувват йилида амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова бошқарди.

Унда «Обод маҳалла йили» дастурида белгиланган вазифалар бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Оилада тиббий маданиятни юксалтириш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, ёшларни турмушга тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Болалар спорти ҳамда оилавий спортни ривожлантириш, қизларни турли спорт ва соғломлаштириш тадбирларига жалб этиш яхши самара бермоқда. Жумладан, синхрон сузиш, бадиий гимнастика бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда юртимиз қизларининг яхши натижаларга эришаётгани бунинг яққол далилидир.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида аёллар ва ёшларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий, фуқаролик онгини оширишда Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Ижтимоий кўмакка муҳтож, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига эътибор янада кучайтирилаётир. Бунда турли давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар, ўқув семинарларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

## Тошкент шаҳар кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р. Шоабдураҳмонов бошқарган сессияда пойтахтни 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2004 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир масалалар муҳокама этилди. Таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган вақт мобайнида пойтахт қиёфаси янада кўркамлашди, янгидан-янги саноат корхоналари, меҳмонхоналар, тиббиёт муассасалари, билим даргоҳлари, туаржойлар қад ростлади.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари таъминланди. Шаҳар ҳудудий ички маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 106,5 фоиз, саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 110,1 фоизни ташкил этди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш, чакана савдо айланмаси, пулли хизматлар кўрсатиш, экспорт ҳажми ҳам ортди.

«Обод маҳалла йили» дастурига мувофиқ маҳаллаларни кўкаламзорлаштириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, халқимиз, айниқса, ўсмирларни соғломлаштириш, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тўрт спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. 2004 йил — Меҳр-мурувват йилида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш заруурлигига эътибор қаратилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ТАНКЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Мамлакатимиз бўйлаб «Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги» давом этмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 сентябрдаги «Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятини ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ана шундай тадбирлардан бири Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида бўлиб ўтди. Учрашувда ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, журналистлар иштирок этди.

— Ойлик дастурда кўплаб тадбирлар ўтказиш режалаштирилган, — дейди Мудофаа вазирлиги давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бўлими бошлиғи, майор Мансур Мўминов. — Мақсадимиз, ёш аскарлар ҳамда ҳарбий билим юртлари курсантларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш ва жанговар шайликни янада оширишдан иборат.

Учрашувда ёшларни миллий истиқлол ғоялари ва Ватанга муҳаббат руҳида, комил инсон этиб тарбиялаш ҳамда ҳарбий-ватанпарварликка оид ишларни янада жонлантириш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир таниқли санъаткорлар ижросидаги концерт дастури билан якунланди.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## «ШАРАФЛИ ЙЎЛ»

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компаниясининг ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиясида Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган «Шарафли йўл» деб номланган янги фильм яратилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли илмий марказ ҳисобланади. Шуни таъкидлаш кераки, халқимизнинг улкан интеллектуал салоҳиятини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Фанлар академияси бой қадимий анъаналар, кўплаб илмий кашфиётлар ва маънавий маданиятнинг табиий давомчисидир. Буни халқаро эътирофга сазовор бўлган Маъмун академияси. Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, Фарғона водийсидаги илмий марказлар мисолида кўриш мумкин.

Янги фильм мустақиллик йилларида Фанлар академияси фаолияти муҳим аҳамият касб этгани, олимларимиз меҳнати мамлакат раҳбарияти томонидан доимо қўллаб-қувватланаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Натижада республикамизнинг илмий-техника салоҳияти сақлаб қолиниб, шу билан бирга уни жаҳон андозалари даражасида ҳар томонлама ривожлантириш учун имкониятлар кенгайди.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим сценарийси асосида режиссёрлар Шуҳрат Аббосов ва Шуҳрат Қурбонбоев, оператор Абдулла Тўлаганов суратга олган «Шарафли йўл» фильми Фанлар академиясининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида намойиш этилди.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

● СЕНИНГ УҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!



Қизғинлик билан давом этаётган қишки ўқув мавсуми машғулотларида ҳамманинг ўз ўрни бор. Секция командири оддий аскар Шокир Темиров ҳам машғулотларда фаоллиги билан сафдошларига ўрнак бўлмоқда. Посбон йигит Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик байрамини хизматда алоҳида ютуқлар билан кутиб олишга аҳд қилган.

**Александр МРУЧАК** олган сурат.

● СЕРЖАНТЛАР — АРМИЯМИЗ ТАЯНЧИ

## КИЧИК ҚОМАНДИРНИНГ ТАШАББУСИ

... Полигонда якуний синовларнинг ҳал қилувчи машқлари давом этмоқда. Махсус бўлинма посбонлари бор билим ва маҳоратларини кўрсатиши учун муҳим синов бу. Бошқарув пунктидан буйруқ берилди. Посбонлар тиканли симлар орасидан, шартли равишда бузилган кўприкдан моҳирлик билан ўтиши ва ўз маррасини эгаллаши лозим. Бунга қурол-аслаҳалар билан бирга ҳаракатланишни ҳам қўшсак, машқ мураккаблигини янада аниқроқ ҳис қиламиз. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Фарҳод Ҳасанов машқни биринчилардан бўлиб бажаришга қарор қилди. Ваҳоланки, гуруҳ командирининг ўринбосари сифатида даставвал у қўл остидаги посбонларга машқни бажартириши мумкин эди. Бироқ Фарҳод жамоасидаги профессионалларнинг ҳаяжони, ҳовурини босиши, улардаги жанговар руҳни янада кўта-

(Давоми 2-бетда).

### Телефон доверия

Интересуетесь ли вы военной службой, хотите ли быть подробно информированы о военной деятельности, есть ли вопросы, касающиеся уставов и законов о военной деятельности, хотите ли лучше знать о видах военной службы, желаете ли знать о том, кто может стать военным?

Какие права и льготы у военных — офицеров, воинов-контрактников, военнослужащих срочной службы? Как социально защищены военнослужащие и члены их семей?

В целях дальнейшего обеспечения повышения организованности и порядка, предотвращения негативных явлений в воинских частях и учреждениях вы можете с вопросами и предложениями звонить в Министерство обороны по «телефонам доверия» **с 9.00 до 19.00 ежедневно:**

**169-82-08, 169-82-00 (Главное управление воспитательной работы);**

**169-86-82 (юридическая служба Министерства обороны).**

# ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛЯ ВСЕХ И КАЖДОГО

● ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

## К 12-ЛЕТИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



В соответствии с планом по подготовке и празднованию 12-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан в Выставочном зале Центрального музея Вооруженных Сил накануне 14 января 2004 года откроется и будет проводиться IV Всеармейская выставка художественного творчества военнослужащих, членов их семей, ветеранов Вооруженных Сил.

Для участия в выставке художественного творчества могут быть представлены живописные работы (тематические и жанровые), портреты, пейзажи, натюрморты, рисунки, графика, изделия народно-прикладного искусства, керамика, резьба по дереву, ганч, чеканка, ткачество, художественная вышивка, ювелирные работы.

Победителям и призерам будут вручены денежные премии (1-е место — 30 тысяч сумов; два 2-х места — по 20 тысяч сумов; три 3-х места — по 15 тысяч сумов) и дипломы.



**ВНИМАНИЮ КОМАНДИРОВ, ИХ ЗАМЕСТИТЕЛЕЙ ПО ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЕ И ПРЕДСЕДАТЕЛЕЙ ЖЕНСОВЕТОВ!**

Работы вместе с анкетами авторов следует направить до 5 января 2004 года в Центральный музей Вооруженных Сил.

## Янги йил эртаклари этмоқда давом

Қуролли Кучлар Офицерлар марказий уйи бугун ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Шириндан ширин қизалоқлар, болажонларнинг шодон кулгуси, қувончи, шўх мусиқа садолари кўнгилларга сурур бағишлайди. Саҳнадаги ранг-баранг безаклардан кўзингиз яшнайди. Ҳа, янглишмадингиз. Ушбу маданият масканида аллақачон Янги йил байрами тантаналари бошланиб кетган. Кичкинтойлар учун мўлжалланган, театрлаштирилган Янги йил эртаклари авжида. «Аладдин» театри жамоаси, истеъдодли актёрлар, масхарабозлар иштирокида ташкил этилган ғаройиб томошаларда Қорбобо, Қорқиз ва бошқа кўплаб севимли қаҳрамонлар билан учрашиш, ҳазил танловлар, қувноқ ўйинлар, рақс марафонлари каттаю кичикка манзур бўлмоқда.



Бир сўз билан айтганда, кўнгилочар байрам дастурларини томоша қилиш, сеҳрли эртаклар оламига саёҳат, Янги йилни янги-янги қувончлар, шодиёналар билан кутиб олиш учун бу кошонада барча имкониятлар мавжуд. Янги йилнинг ғаройиб томошалари 2004 йилнинг 11 январигача кунига тўрт бора (соат 10.00 дан 16.00 гача) намойиш этилади.

Билетлар ва байрам совғаларини Офицерлар марказий уйида сотиб олишингиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари эса махсус таклифномалар асосида ташриф буюрадилар. Қўшимча маълумотлар учун 133-32-54 рақамли телефонга қўнғироқ қилинг.

**ОФИЦЕРЛАР МАРКАЗИЙ УЙИ МАДАНИЯТ БЎЛИМИ.**

● ТАРИХИМИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

## БУЮК САРКАРДАНИНГ САФДОШИ

Аббос баҳодур қипчоқ, Аббосбек — туғилган йили маълум эмас. Аббос баҳодур йирик лашкарбоши сифатида тарихда қолган. У Амир Темурнинг сафдоши бўлган. Аббосбек Жета мўғулларига қарши курашда фаол қатнашиб, жанги лойда Амир Темур лашкарининг марказида туриб, катта жасорат кўрсатган. 1370 йил амир Ҳусайн билан бўлган сўнгги жангда ҳам Амир Темур тарафида жанг қилиб, кўп баҳодирлик кўрсатган ва Аббос баҳодур номи билан машҳур бўлган. 1370 йилда амир Ҳусайн устидан тўла ғалабага эришилгач, Амир Темур Аббос баҳодурга бошқа йирик лашкарбошлари қаторида амири лашкар (черик беги) ҳарбий унвонини берган.

Аббос баҳодурнинг ёши Соҳибқиронга нисбатан улуғроқ бўлган деб тахмин қилинади. У 1385 йилгача бўлган ҳарбий юришларда фаол қатнашиб, кейинги йиллардаги жангларда иштирок этмай, Самарқандда «Мовароуннаҳр вилоятининг забти учун» қолдирилган. 1387 йилнинг охирида Тўхтамишхон Мовароуннаҳрга бостириб келган. Аббос баҳодур Тўхтамишхонга қарши жангларда иштирок этиб, кўп қаҳрамонликлар кўрсатган. Ўтрордан 5 км. шарқроқда жойлашган Чукалак мавзеида бўлган жангда Аббос баҳодур оғир ярадор бўлиб, вафот этган.

**А. СОЛИҲОВА** тайёрлаган.

## ЗНАЕТЕ ЛИ ВЫ, ЧТО...

Слово «каратэ» в переводе с японского означает «голыми руками». Каратэ — один из видов защиты без оружия.

***

Ученые из Оклахомы (США) утверждают, что люди, регулярно получающие физические нагрузки, в два раза реже болеют, чем те, кто ведет малоактивный образ жизни.

***

Дзюдо по-японски означает «мягкая дорога». Основателем этого вида спорта считается японский борец Дзигаро Кано. Он в 1882 году в Токио открыл первую школу дзюдо. Соревнования по дзюдо были включены в программу Олимпийских игр в 1964 году.

***

Сон — необходимое условие жизни человека. Человек проводит во сне 25 из 75 лет. Для отдыха и восстановления сил, как правило, необходимо 8-9 часов сна. Однако не у всех людей сон такой длительный. Некоторым достаточно и 6 часов. Известно, что Гете спал 5 часов, столько же спал Шиллер, а Эдисон — всего 2-3 часа.

**Подготовил З. АКРАМОВ.**

● ЎҚИНГ, БУ ҚИЗИҚ!

## ҚОРБОБОЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Мексикада ғаройиб ўғирлик содир бўлди. У ерда иккита Санта-Клаус (Қорбобо) бир ярим мингта арчани ўғирлади.

Воқеа бундай содир бўлган. Йўл ёқасидаги бекатда турган янги йил арчалари ортилган автофургон ёнига икки Санта-Клаус кийимидаги одамлар келди ва ўз қопларидан милтиқ чиқариб, ҳайдовчига таҳдид қилишди ҳамда унинг оёқ-қўлини боғлаб, трейлерни асосий йўлдан четроққа ҳайдаб ўтдилар. Шундан сўнг машинадаги арчаларни ўз фургонларига ортиб, номаълум томонга ғойиб бўлдилар. Шуни айтиш кераккки, ўғирланган арчаларнинг ҳар бири 50 доллар турар экан.



## АВТОМОБИЛЬ ОЛИШ ЙЎЛИ

Ўз мақсадингга эришиш учун нималар қилмайсан! Финляндиялик ишсиз аёл янгисини олиш учун эски автомобилда 7 ҳафтадан ортиқ ўтирди...

Финляндия радиостанцияси томонидан ўтказилган реклама акцияси шартларига кўра, автомобилда энг кўп ўтирган иштирокчи ютуққа — янги автомобилга эга бўлади. Ўйин шартларига кўра шаҳар савдо марказларида ўтказилган ушбу мусобақада 29 киши иштирок этган. Улар ҳар икки соатда икки дақиқага машинани тарк этишлари мумкин бўлган. 24 ёшли Катри Мани ҳаммадан кўп — 52 куну 15 соат машинада ўтирди. Автомашинада шунча вақт бўлган қиз қийинчилик билан нормал шароитларга қайтди. Энди у янги автомобилга қандай кайфиятда ўтириши ҳозирча номаълум!

**М. САИДИВАЛИЕВ** тайёрлаган.

## ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР

— Нега бахилларнинг асаб тори ҳамиша таранг? — деб сўрадилар Арастудан.

— Чунки улар ўзларининг омадсизлигини эмас, бошқаларнинг омадини кўриб ҳам изтироб чекадилар, — деб жавоб берибди у.

● ЧТО? ГДЕ? КОГДА?

## ШВЕЙНАЯ МАШИНКА



Первые швейные машинки появились во второй половине XVIII века, но были они сложными и ненадежными, поэтому широкого распространения не получили.

В 1845 году Э. Хоу в США получил патент на швейную машинку челночного стежка. Машина не воспроизводила ручной стежок, а образовывала петли с помощью иглы с ушком в острие и закрепляла эту петлю второй нитью, помещавшейся в челноке. Этим изобретением воспользовался американский фабрикант Зингер, организовавший крупное производство швейных машин. Их конструкция со временем усложнялась и совершенствовалась. Швейные машины Зингера поставлялись во многие страны.

## КОГДА ПОЯВИЛСЯ НАПЕРСТОК?

Жил в XVII веке в Амстердаме мастер-ювелир — Николай Бентонен. Он был влюблен в Аниту — дочь мрачного и известного своею скупостью соседа Ван Ранема. С иголкой в руках Анита целыми днями сидела над пяльцами, иголки больно кололи пальцы усталой девушки. И вот в дом Аните принесли маленькую золотую шапочку с какими-то непонятными знаками. При ней было послание, написанное по правилам хорошего тона: «Уважаемую госпожу прошу принять в подарок это мое изобретение, чтобы оно защищало от уколов прекрасные и трудолюбивые пальцы». И подпись: Николай Бентонен.

**Подготовила З. ИСАКОВА.**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 23 декабрдан бошлаб, валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади.*)

| | |
|---|---|
| 1 АҚШ доллари | 979,39 |
| 1 евро | 1212,97 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

***Поздравляем!***

Поздравляем полковника медицинской службы Низомитдина НУРИТДИНОВА с днем рождения!

Желаем ему крепкого здоровья, душевного спокойствия, благополучия в семье, успехов в благородном врачебном деле.

Коллеги и друзья.

КУПЛЮ

● Дороже всех! Нагр. знаки, старинные монеты, изделия из серебра. Т.: 67-48-18.

***

● Значки, марки, открытки, монеты, нагрудные знаки, часы. Т.: 68-49-19.

***

● Холод., шв. маш., ТВ., в/маг., газ. пл., БК, велосипед, ст. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

